



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI TOSHKENT SHAHAR HOKIMINING F A R M O Y I SH I

2022 года «16» мая

100-14-0-F/22

Хоқимият города Ташкент

Хизмат сафарига юбориш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 26 мартдаги “2022 йилда ҳудудий ва республика тармоқлараро саноат ярмаркаларини ташкил этиш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 134-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Тошкент шаҳар ҳокимининг маҳаллий саноатни ривожлантириш масалалари бўйича ёрдамчиси Турсунов Зафархўжа Орифович ва котибият бош мутахассиси Хасанов Улуғбек Сайфуллаевични 2022 йил 3-6 май кунлари Сурхондарё вилоятига хизмат сафарига юборилганлиги инобатга олинсин.

2. Хизмат сафари билан боғлиқ харажатлар ҳақиқатда белгиланган ва амалга оширилган харажатларни тасдиқловчи ҳужжатлар асосида Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг захира жамғармаси ҳисобидан қоплаб берилсин.

3. Тошкент шаҳар Молия бош бошқармаси (Л.Исматуллаев):
маҳаллий бюджет параметрларига тегишли ўзгартиришлар киритилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Тошкент шаҳридаги Давлат молиявий назорати бошқармаси (Ш.Яриев):

хизмат сафари билан боғлиқ ҳақиқатда амалга оширилган харажатларни тасдиқловчи ҳужжатлар асосида хулоса киритишни таъминласин.

5. Тошкент шаҳар ҳокимлиги бухгалтерияси (З.Мирзахмедова):
ажратилган маблағларни мақсадли сарфланишини таъминласин.

6. З.Турсунов ташкил этилган хизмат сафари натижалари бўйича 2 кун муддатда Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ташқи иқтисодий ва халқаро алоқалар бўлимига ҳисобот топширсин.

7. Ушбу фармойишнинг ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Х.Шакиров зиммасига юклатилсин.

Toshkent shahar hokimi



ARTIKXODJAYEV J. A.